

Бегматова Нодира Хакимовна,
Қарши давлат университети
“Информатика ўқитиш
методикаси” кафедраси катта
ўқитувчиси, педагогика фанлари
номзоди

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

БЕГМАТОВА Н.Х. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Мақолада мактабгача таълим муассасаларидаги машғулотлар жараёнида арифметик амалларни бажариш, ижобий ва салбий экологик таъсирларни ўрганиш ва кубикларни йиғишга оид мультимедияли тақдимотлардан фойдаланиш баён этилган бўлиб, бу эса машғулотлар жараёнида инновацион ёндашув ҳисобланади.

Таянч сўз ва тушунчалар: таълим, меъёрий ҳужжат, таълим самарадорлиги, мультимедиа технологияси, компьютерлар, услуб, арифметик амаллар, экологик таъсир, тақдимот, инновация.

БЕГМАТОВ Н.Х. ИННОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД В ДОШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ

В статье рассказывается об использовании мультимедийных технологий во время занятий в дошкольных образовательных учреждениях для изучения таких тем как арифметические операции, положительное и отрицательное воздействие на окружающую среду и сбор кубиков, а это в свою очередь является инновационным подходом к организации занятий в дошкольных образовательных учреждениях.

Ключевые слова и понятия: образование, нормативный документ, образовательная эффективность, мультимедийные технологии, компьютеры, метод, арифметические операции, воздействие на окружающую среду, презентация, инновация.

BEGMATOVA N. KH. AN INNOVATE APPROACH IN PRESCHOOL EDUCATION

The article describes the use of multimedia technology during classes in preschool educational institutions for studying such topics as arithmetic operations, positive and negative environmental impacts, and collecting cubes, and this in turn is an innovative approach to organizing classes in preschool educational institutions.

Keywords: education, normative document, educational effectiveness, multimedia technology, computers, method, arithmetic operations, environmental impact, presentation, innovation.

Республикамизда баркамол авлод таълим-тарбиясига оид бир қатор вазифалар амалга оширилади. Бу жараён эса ҳар томонлама ривожланган интеллектуал салоҳиятли ёшларнинг тарбиялашда замин ҳозирламоқда. Баркамол авлодни шакллантириш дастлаб оилада, сўнгра мактабгача таълим муассасасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 11-чи моддасида: “Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етуқ, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади”¹, - дейилган.

Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да мактабгача таълим – узлуксиз таълим тизимининг биринчи тури эканлиги ва мактабгача тарбияни ривожлантириш учун зарур бўлган вазифалар қаторида мактабгача таълимнинг самарали психологик педагогик-услугларини излаш ва жорий этиш кераклиги белгиланган. Шунингдек, 4.9-параграфида “Барча босқичдаги таълим жараёнларини компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш амалга оширилади”², - деб таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сон қарори билан “Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастур” тасдиқланди ва мазкур Дастурнинг асосий мақсадли вазифалари ва йўналишлари қаторида мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш вазифалари белгиланган³.

Юқорида баён қилинган далиллар мактабгача таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнида инновацион технологияларни татбиқ этиш, машғулотлар жараёнида мультимедиа воситаларидан фойдаланиш, тарбияланувчиларнинг компьютер

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: “Шарқ”, 1998. – Б.23.

² Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: “Шарқ”, 1998. – Б.57.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2707-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 11-модда, 35-сон, 923-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон)

саводхонлигини шакллантириш, уларни компьютер билан элементар тарзда фойдаланишга ўргатиш ва мактаб таълимига тайёрлаш долзарб вазифалардан бири эканлигини кўрсатади.

Республикамизда қабул қилинган бир қатор меъёрий ҳужжатларда, таълим соҳасига янги инновацион технологиялардан, жумладан, мультимедиа технологиясидан фойдаланиш долзарб масала эканлиги қайд этилган. Ҳозирги кунда таълим соҳасида мультимедиага асосланган электрон дарслик, қўлланма ва турли электрон дидактик воситалар яратилмоқда ҳамда фойдаланиб келинмоқда, Аммо, мактабгача таълим муассасалари таълим-тарбия жараёнида мультимедиа технологиясидан фойдаланиш ва шу асосда машғулотлар жараёнида инновацион услубларни татбиқ этиш имкониятлари етарлича ишлаб чиқилмаган. Узлуксиз таълим тизимининг биринчи тури бўлган мактабгача таълимда ҳам инновацион технологияларни излаш, ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Мактабгача таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнига фойдаланишга мўлжалланган инновацион технологияларидан бири таълимий мультимедиа технологияси ҳисобланади. Мультимедиа технологияси, замонавий ахборот технологиясининг тез ривожланаётган йўналишларидан бири бўлиб, қуйидаги ташкил этувчиларидан иборат: матн, жадвал, графика, мусиқа, безак, анимация, аудио, видео. Муаллиф фикрига кўра, таълимда мультимедиа технологияси ва воситаларидан фойдаланиш услуги, “мультимедиавий ҳужум” услуги деб номланди. “Мультимедиавий ҳужум” услубининг мазмуни қуйидагича:

Ҳар бир педагогик, таълим ва бошқа технологияларнинг ўз услублари бўлгани каби, таълимий мультимедиа технологиясининг ҳам ўз услуги мавжуд. “Мультимедиавий ҳужум” услуги таълим жараёнида фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, бу услубдан фойдаланишда таълим берувчи аввало ўрганиладиган материалга тегишли мультимедиа интерфаол дастурий маҳсулот тайёрлайди. Бола миясига ўрганиладиган ўқув материаллари бир вақтнинг ўзида матн, аудио, видео, графика, мусиқа ва анимация кўринишида таъсир этилса, материални қабул қилиш ва хотирага сақлаши ортади. Бу “мультимедиавий ҳужум” услубининг асосий мазмуни ҳисобланади.

“Мультимедиавий ҳужум” услуги машғулотнинг янги материални ўргатиш қисмида қўлланилади. “Мультимедиаий ҳужум” услубининг афзаллиги қуйидагилардан иборат:

-мультимедиа дидактик восита жозибали, таъсирчан, ҳаракатчан (динамик ҳолат) самара беради;

-ўқув материаллари мультимедиа кўринишда тақдим этилиши натижасида бола миясининг иккала ярим шари бир вақтда ишлайди.

-мультимедиавий ҳужум натижада уларнинг диққатлари барқарорлашди, фикрлашлари ортади ва ўқув материаллари кўпроқ қабул қилинади;

-гуруҳлардаги болаларнинг фаолликлари ортади;

-мультимедиади дидактик восита-интерфаол дастурий маҳсулот ҳисобида маълум бир миқдорда вақт тежаллади, тежалган вақт ҳисобида болага қўшимча маълумот бериш имконияти яратилади.

Мактабгача ёшдаги болаларга мўлжалланган мультимедиади технология бизнинг фикримизга кўра, анъанавий технологияларга нисбатан қуйидагилар билан фарқланади:

- болаларнинг психологик жиҳатлари;
- болаларнинг ёши (6-7 ёш);
- компьютерли машғулотнинг давомийлиги (15 дақиқа);
- материалнинг болаларга мослиги (мультимедиа шаклида);
- материалнинг ҳажми (30 дақиқага мўлжалланган);
- материалнинг мураккаблик даражаси (болалар учун содда материаллар танланади);
- уларнинг фаоллик даражалари.

Мактабгача ёшдаги болалар учун яратилган мультимедиади компьютер технологияси вариантыда технологик ёндашув қуйидагича кечади: мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчисининг ўрганиладиган материални ўзлаштиришини қулайлаштириш ва осонлаштириш мақсадида материал бир-бири билан боғлиқ қисмларга, бўлақларга ажратилади, сўнгра таълимдан мўлжалланган натижа олиш учун амаллар кетма-кет бажарилиши ва лойиҳалаштирилган ишлар поёнига етказилиши кўзда тутилади. Энг муҳими, ушбу технологияда ўрганиладиган материал мультимедиа асосида тақдим этилади.


Бола миясига бундай “мультимедиавий ҳужум” натижасида боланинг ўзлаштириш даражаси кўтарилиб, машғулот самарадорлиги ошади. Мультимедиадининг юқорида санаб ўтилган ташкил этувчиларини компьютерда ишлов бериш (технологик жараён) натижасида, уларни битта пакетда (дискда) жойлаштирилиши мультимедиа технологиясининг мазмунини акс эттиради.

Таълимий мультимедиа технологиясида таълим жараёни “мультимедиавий ҳужум” методи асосида амалга оширилади, яъни, бу жараёнда мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчиларини (болаларини) миясига бир вақтнинг ўзида мультимедиадининг камида учта ташкил этувчиси-аудио, видео ва анимация орқали таъсир этилишидан иборат. Шунга кўра, таълимий мультимедиа технологиясини мактабгача таълим муассасаларининг таълим – тарбия жараёнида фойдаланишга мўлжалланган инновацион технология деб қарашимиз мумкин.

Қуйида мактабгача таълим муассасаларининг мактабга тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари учун тайёрланган мультимедиали воситага асосланган машғулотдан намуна келтирилган.


Машғулот давомийлиги 15 дақиқадан иборат.

Беш сония ичида қўшиш ва айириш амалларини ўрганишга бағишланган машғулотда фойдаланиш учун яратилган слайдлар 1-расмда келтирилган .



1-расм. Мавзуга оид мультимедиа воситасидан лавҳа

Машғулотдаги мультимедиавий самара қуйидагича: арчалар ва сонлар монитор экранига ҳаракатланиб, бирин-кетин намоиш этилади ва жилоланиб турадилар. Жараёни тарбиячининг овози шархлаб боради, рақамларнинг намоиши анимация эффектлари ёрдамида ўзгариб туради. Даставвал, болалар бирин-кетин чиқиб келувчи арчаларни санаб борадилар. Тақдимотда монитор экранига рақамларга ҳам мультимедиали самара берилган бўлади, яъни улар ҳам жилоланиб туради.

Шундан кейин $1+2=3$ ва $5-2=3$ амаллари бошқа болалар томонидан компьютерда мустақил бажартирилади. Натижада, жозибали кўриниш намоиш этилади .


Бу эса мактабгача таълим муассасаларининг таълим жараёнида инновацион ёндашувдан иборатдир.

Мактабгача таълим муассасалари учун мультимедиа воситалари тайёрлашда тарбияланувчиларнинг ёшини ҳисобга олиш ва мос ҳолда

⁴ Абдуқодиров А.А., Бегматова Н.Х. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланиш услугиёти (ўқув-услубий қўлланма). – Қарши: Насаф, 2011. - Б. 163.

дидактик материалларни танлаш, таълим жараёнида болаларга педагогик ва психологик таъсир этиш усулларини ўрганиш ва релаксация этапининг 15-20 дақиқа бўлишини инобатга олиш лозим бўлади.

Бундан ташқари “Бўш ўринни тўлдир” (2-расм) номли мультимедиали дидактик воситадан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу турдаги мультимедиали дидактик воситага “Катакни тўлдир” ўйини киради.⁵



2-расм. “Бўш ўринни тўлдир” номли мультимедиали тақдимоти

Ушбу таълимий компьютерли ўйиннинг мазмуни бўш катакни мос сон билан тўлдиришдан иборат.

Мультимедиали дидактик воситалар тарбияланувчи таффакурини ривожлантириш, ақлий фаолиятини ошириш, диққатини барқарорлаштириш, идрокларини фаоллаштиришга қаратилгандир.

Болалар онгига табиатдаги гўзалликдан завқ олишни тарбиялаш, улар теварак - атрофни тоза ва озода сақлашлари, ҳайвон ва қушларга озор бермаслик, гулларни, ўт-ўланларни пайҳон қилмаслик, дарахт шохларини синдирмаслик, қуш уяларини бузмаслик, чумолилларнинг инини бузмаслик каби хислатлар ҳам шакллантирилиши керак.

Машғулотлар жараёнида экологик таълим-тарбия беришда материал асосан икки йўналишга бўлиб ўрганилади, яъни, болаларнинг табиатга ва атроф муҳитга нисбатан ижобий ва салбий экологик таъсирлари.


⁵ Бегматова Н.Х. Методика проведения компьютерных образовательных игр в дошкольных учреждениях // Технологии и методики в образовании. – Воронеж, 2011. - № 3. – С. 4.

Бу жараёнда болаларнинг ижобий ва салбий экологик таъсирларига доир мультимедиавий слайдлар тайёрланади. 3 ва 4-расмларда тақдимот материалларидан намуналар келтирилган.



3-расм. Боланинг ижобий ҳаракатлари

Ушбу слайдда боланинг ижобий ҳаракатларидан гулларга сув қуйиши, тарбиячи билан кўчат ўтқозиши, қафасдаги қўшларга сув-дон бериши келтирилган.



4-расм. Болаларни салбий ҳаракатлари


Навбатдаги слайдда боланинг салбий ҳаракатларидан-дархон шохларини синдираётгани, рогатка (палахмон) билан қўшларни уриб тушираётгани, қўшларни инини бузаётгани, гулларни пайхон қилаётгани келтирилган.

Адабиётларда берилган шунга ўхшаш расмлар статик характерга эга бўлиб, улар характерланмайдилар. Мультимедиавий слайдлар эса динамик характерга эга бўлиб, монитор экранига матн ва тасвир элементлари бирин-кетин анимация эффектлари ёрдамида жилоланиб, характерланиб намоиш этилади ва ҳамда ушбу жараёни тарбиячининг овози шарҳлаб боради. Натижада, ушбу жараён болаларга қизиқарли ва жозибали эффект беради. Тарбиячи

слайддаги болаларнинг ҳаракатларини тарбияланувчиларга тушунтириб боради ва машғулот якунида тарбияланувчиларга қуйидаги саволни қўяди: Слайддаги болаларнинг қайси бир ҳаракатлари тўғри, қайси бири нотўғри? Тўғри жавоб олингач навбатдаги слайдлар намойиш этилади.

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига экологик таълим – тарбия беришда компьютерли “Саёҳатдан” фойдаланиш мумкин. Бунинг учун, Интернетдан ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёси ҳамда турли хил қушларнинг тасвирларини топиб, компьютер хотирасига файл сифатида сақланади. Маълум бир мавзуга тегишли экологик машғулотда уларни намойиш этилади ва тарбиячи томонидан шарҳлаб тушунтириб берилади. Натижада, болалар узоқ худудлар, қитъалар ва мамлакатлардаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан танишиб, бутун дунё бўйича “Саёҳат”га чиққан бўладилар.

Анъанавий усулда ўтказиладиган кубиклардан пирамида яшаш ўйинини компьютерли усулда ўтказиш учун мўлжалланган мультимедиали дидактик восита (5-расм).



5-расм. Кубикларни йиғиш мультимедиали тақдимот

Мультимедиа воситасида тарбияланувчи кубикларни йиғиш жараёнида кубикларни ўлчамлари бўйича кема-кет жойлаштиришни инобатга олиши лозим, яъни энг катта ўлчамга эга бўлган кубикдан кейин ўлчами кичикроқ бўлган кубик, ундан кейин навбатдаги ўлчамга эга бўлган кубик ва хоказо тартибда амалга оширилиши лозим. Тарбиячи мультимедиали слайдни намойишга қўйганда монитор

экранида бирин-кетин турли ўлчовли кубикчалар ҳаракатланиб (анимация) битта ўринда жойлашадилар. Даставвал, каттаси, унинг устига кичикроқ иккинчиси, сўнгра учинчиси, тўртинчиси, бешинчиси жойлашади. Бешинчисининг устига конус келиб тушади. Натижада 4-расмда кўрсатилгандек минора ҳосил бўлади.

Минора ҳосил бўлишини тарбияланувчи кузатиб туради (5-расм). Ўйин дастури шундай яратилганки - ясалган “Минора” яна тарқатиб юборилиши мумкин. Бундан ташқари бу жараёнда қуйидагилар амалга оширилади:

- 1) кубикларни ва конусни санаш;
- 2) геометрик шаклларни фарқлаш;
- 3) рангларни фарқлаш (кубиклар турли рангларда бўлади).

Шунинг учун, ўйин номи – комплекс ўйин деб номланган. Ўйинни ўтказиш вақти юқоридаги мавзулар ўрганилиб бўлинган даврга тўғри келади. Бундай комплекс ўйинларда болаларнинг билимлари синалади, такрорланади ва мустаҳкамланади.

Шундай қилиб, мактабгача таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнида мультимедиа воситаларидан фойдаланишнинг кенг имкониятлари мавжуд бўлиб, бу жараёндаги асосий вазифамиз ривожланган давлатлар даражасига етиб олишдан иборатдир. Юқорида баён этилганлардан қуйидаги хулоса ва таклифларга келиш мумкин:

- мактабгача таълим – узлуксиз таълим тизимининг биринчи тури бўлгани учун уни узлуксиз таълим тизимида бошқа таълим турлари билан узвийлигини таъминлаш;

- мактабгача таълимга тегишли ўзига хос ва мос мультимедиа технологиясидан фойдаланиш, инновацион технологияларни ишлаб чиқиш, яратиш ва уларнинг методикасини шакллантириш;

- компьютерни ўйин воситасида эмас, балки таълим бериш воситаси сифатида фойдаланиш, турли таълимий ва ривожлантирувчи компьютер ўйинларини яратиш;

- мактабгача таълим муассасаларида ахборот технологияларини, шу жумладан, мультимедиа технологиясини таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этишга оид илмий-тадқиқот ишларига кўпроқ жалб этиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Бу эса баркамол авлод тарбиясида ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг машғулотлар жараёнида инновацион ёндошув бўлиб ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. “Баркамол авлод йили” Давлат Дастури. – Т.: Ўзбекистон, 2010. - 38 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Т.: ”Шарқ”, 1998. – 20-29 б.

3. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Т.: "Шарқ", 1998. – 31-61 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2707-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 11-модда, 35-сон, 923-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон)
5. Абдуқодиров А.А., Бегматова Н.Х. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланиш услубиёти (ўқув-услубий қўлланма). – Қарши: Насаф, 2011. –Б.163.
6. Бегматова Н.Х. Методика проведения компьютерных образовательных игр в дошкольных учреждениях // Технологии и методики в образовании. – Воронеж, 2011. - № 3. – С. 4.